O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 март жума

Сотувда эркин нархда
№ 44 (2341)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Т.С.Бўтаёровни Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Турдиқул Сувонович Бўтаёров Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 март.

## ТАФАККУР — ТАРАҚҚИЁТ МАШЪАЛИ

Инсон тафаккури азал-азалдан тараққиётнинг йўлини ёритган машъала бўлиб келди. Дунё ҳақидаги ибтидоий-мифологик тасаввурлар замонидан одамзот цивилизациянинг ҳозирги юксак чўққиларга кўтарилганлиги тафаккур туфайлидир. Жумладан, умуминсоният тараққиётида ўтмишда Ватанимиздан етишиб чиққан алломаларнинг хизматлари беқиёсдир.

Истиқлол йилларида, нафақат биз қадимги ва бой илмий-маънавий меросимизни тикладик. Балки миллий тафаккуримиз шон-шуҳратини амалий меҳнатимиз ва салоҳиятимиз билан қайтадан юзага чиқаришга муяссар бўлдик. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мустақиллик тафаккурининг куч-қудрати нималарга қодир эканлигини ўз фаолиятида ёрқин намойиш этди. Мана, шу улкан тафаккур соҳиби Ўзбекистоннинг мустақиллигини башорат қилди ва унинг асосларини яратди. Истиқлол йилларида эса Ватанимизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаб берди. Биз бугун ана шу йўлдан ишонч билан олдинга одимламоқдамиз. Давлатимиз раҳбарининг юксак ақл-идроки туфайли ривожланишимизнинг машҳур беш тамойили дунёга келди. XXI аср бўсағасида эса янги минг йилликнинг дастлабки давридаги ривожланишимизнинг устувор йўналишларини асослади. Бу давр — ҳаётни эркинлаштириш даври, деб аталади. Бу босқичда ҳаёт ҳар жиҳатдан эркинлашади, ўтган йилларда бошланган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар янада фаоллашади, демократик турмуш тарзимиз такомилга эришади.

Мамлакатимиз раҳбари республикамизнинг ҳозирги илм-фан намояндаларидан ҳам Ватан, халқ, мустақиллик тараққиёти учун фидойиларча ишлаш ва фикрлашни талаб қилмоқда. Бу даъватга илмий зиёлиларимиз ҳам амалий-самарали фаолият билан жавоб беришга интилмоқдалар. Масалан, олимларимизнинг Давлат тили мақомига эришган ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш борасида қилаётган меҳнатлари диққатга сазовордир. Президентимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашув чоғидаги суҳбати тарих илмининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Бугун тарихий ўтмишимиз тўғрисида янги тафаккурли тадқиқотларга эгамиз. Мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари янги тарих дарсликлари билан таъминланди. Адабиёт, маърифат бойликлари, миллий фалсафа асослари қайтадан ўрганилиб, қувонарли тадқиқотлар яратилмоқда. Ҳуқуқшунос олимларимиз эса навқирон давлатимизнинг янги қонунчилигини ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Аниқ ва табиий фанларда ҳам ривожланиш сезиляпти. Иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган амалий-илмий ишланмалар бирин-кетин пайдо бўлмоқда.

Хуллас, илм-фан намояндаларининг мустақил тараққиётимизни мустаҳкамлашга қаратилган хизматлари, эришган самаралари оз эмас. Бироқ шу билан бирга, уларнинг олдида турган вазифа ва муаммолар янада кўпроқ ва янада масъулиятлироқдир.

Президентимиз 1994-1995 йиллар Фанлар академиясида қилган маърузаларида энг муҳим вазифалардан бири сифатида фундаментал фанларни ривожлантириш масаласини қўйган эди. Бу даъват ҳамон ўз долзарблигини йўқотмай келаяпти. Ўзбекистон фанининг халқаро шон-шуҳратини таъминлайдиган улкан фундаментал -назарий ғояларни илгари суриш соҳасида сусткашлик борлиги сир эмас. Биз иқтисодиётни, мамлакат ишлаб чиқаришини жаҳоннинг илғор андозалари даражасига кўтариш учун ҳозирги кунда чет эл техникаси, технологияси ютуқларини, хориждаги деҳқончилик навларини мамлакатимизга олиб келаяпмиз. Бу — тарихий зарурият. Бироқ ўз олимларимиз ҳам мамлакатнинг қаддини кўтарадиган, жаҳонга намойиш этишга муносиб техник ихтироларни, технологик янгиликларни, деҳқончиликнинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос, касалликларга чидамли, серҳосил навларини яратишга дадил киришишлари керак. Еримизни ардоқлаш, унумдорлигини ошириш, ишдан чиққан ерларнинг сифатини яхшилаш — долзарб вазифа. Лекин бу фақат деҳқонларнинг, тегишли ташкилотларнинггина вазифаси бўлиб қолмай, бу соҳада, айниқса, олимларимиз фаол бўлишлари керак.

Илмий зиёлиларимизнинг фаоллиги, тараққиёт эҳтиёжларига зийраклик билан қарашлари яна айрим бир масалаларда талаб қилинмоқда. Президентимиз бир неча маърузаларида Германия, Япония, Жанубий Корея каби бир вақтлар оғир шароитларни, ҳатто инқирозларни бошидан кечирган, бироқ қисқа вақт ичида энг ривожланган давлатлар қаторига кирган мамлакатларни ибрат тарзида эсладилар. Хўш, бу давлатларнинг жадал ривожланиши сабаблари нимада? Агар олимларимиз бу масалани илмий таҳлил этиб берсалар, бундай таҳлилларнинг тараққиётимизда ўз ўрни бўлар эди. Ёки Юртбошимиз тупроқ-иқлим шароити бир хил, ёнма-ён қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларининг тубдан фарқ қиладиган аҳволига кўпчиликнинг, жумладан, олимларимизнинг диққатини қаратди. Чиндан ҳам, бу муаммо малакали илмий таҳлилларга эҳтиёж сезиб турибди.

Бугунги қизғин тараққиёт илмий зиёлиларимизнинг ўз ишхоналарида қамалиб ўтириб қолмай, халқ орасига чиқиш, илмий-маърифатпарварлик йўналишидаги кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришларини ҳам маънавий заруриятга айлантирмоқда. Бу соҳада эса қилинадиган ишлар кўп. Ҳозирги мустақил тараққиётнинг олий қадрият эканлиги нимада, майда қийинчиликларга берилиб, энг муҳим бойлик — Ватаннинг ҳурлигини мустаҳкамлаш зарурияти унутилмаяптими, диний эътиқодлар эркинлигига йўл очилган даврда бу имкониятлар жойларда тўғри тушунилаяптими, айрим ёшларнинг қарашларида нега жаҳолатга, диний ақидапарастликка берилиш ҳоллари содир бўлмоқда, нега жойларда янги қонунлар мажмуасини жорий этиш қийинчилик билан кечмоқда, демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини ҳамма англаб етяптими, нега давлат ва жамиятни эркинлаштириш керак, деган ҳаёт-мамот масалалари бўйича кенг халқ билан бевосита мулоқотлар ўтказиш олимларимиз зиммасидаги вазифадир. Бу борада, айниқса, янги вужудга келган Маънавият ва маърифат маркази, маърифатпарварлар, файласуфлар уюшмалари куч-ғайрат кўрсатишлари керак.

2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Яқинда Оқсарой қароргоҳида шу масалага бағишланган мажлисда Юртбошимиз бу вазифани қуруқ гап ва ташвиқотлар билан амалга ошириб бўлмаслигини, одамларнинг тафаккурида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчани шакллантириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини ривожлантириш масалаларига эътиборни қаратдилар. Ҳа, бу соҳада тарғибот олиб бориш учун қуруқ гапларнинг ўзи етарли эмас, балки махсус малака, тажриба билим талаб қилинади. Бундай билим, тажриба, малака эса, тиббиётшунос олимларимизда етарли. Уларнинг ана шу имкониятлари давримизнинг бу муҳим орзу-мақсадини рўёбга чиқаришда самарали иш бериш мумкин. Жумладан, шу соҳадаги олимларимиз соғлом авлод тарбияси, тиббий маданият муаммоларига доир оммабоп, кенг тарқаладиган кичик илмий-маърифий рисолалар устида ишлашлари, тегишли нашриётлар эса уларни катта нусхаларда тарқатишлари мумкин-ку? Бундай китоблар халққа керак ва улар тез тарқалади.

Сўнгги йилларда Президентимиз миллий ғоя, миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқишга жиддий киришиш масаласини қатъият билан қўймоқдалар. Бу масала бўйича айрим олимларимиз матбуотда, телевидение ва радиода чиқишлар қилиб турибди. Саноқли рисолалар ҳам нашр этилди. Бироқ улар етарли эмас. Бу муаммо олимларимиз томонидан кенг кўламда қўйилиши, бу борада илғор ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва халққа таништириш, турли мафкураларнинг тарихи ва тақдирини таҳлил этиш, мустақиллик мафкурамизнинг миллий ва умуминсоний асосларини кенгайтириш борасида изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш — давр талабидир.

Хуллас, юқоридаги мулоҳазалар ва ниятларни олимларимиз ўзларига бир истак, халқимизнинг маънавий буюртмаси деб қабул қилишларини хоҳлар эдик. Уларнинг тафаккури, сўзнинг юксак маъносида, тараққиёт машъаласига айланишига тилакдошмиз.

**М. САФАРОВ**



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

2 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, таниқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

Қабул чоғида минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда маданий алоқаларни янада ривожлантириш, асрлар давомида шаклланиб келган яқин қўшничилик, биродарлик анъаналарини асраб-авайлаш, минтақа тинчлиги ва осойишталигини сақлашда маданият ва санъат арбобларининг ўрни ҳақида сўз борди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

*Ассалому алайкум муҳтарам Президент! Авваламбор, Сизни халқимиз ишончини қозониб, Ўзбекистон Президентлигига қайта сайланганингиз муносабати билан оила-аъзоларимиз, фарзандларим номидан табриклайман.*

*Менинг онам — Раҳимахон ая Абдуллаева 10 йилдан буён касал эдилар. Менинг ёрдам сўраб Сизга, Президент девонига ёзган мактубим туфайли онамни касалхонага жойлаштириб, операция қилишди. Онамиз бағримизга қайтиб яна қаторимиз тўлди. Ҳозир аҳволлари яхши. Сизнинг катта эътиборингиз туфайли менинг онамга ўхшаган кўплаб муштипар оналарга ёрдам бериб келиняпти.*

*У киши етмиш беш ёшга кирдилар. Шу ўтган умрлари давомида 5 нафар қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Бугун онажонимизнинг 40 нафар неваралари, 20 нафар чеваралари, 10 нафар невара куёвлари, 6 нафар невара келинлари бор. Афсуски, онамнинг ўғиллари йўқ эди. Бугун эса «Бошимизда соябон, дардимизга дармон ўғлим», дея Сизнинг ҳаққингизга эрта-ю кеч дуо қиладилар.*

*Ўғлим Ойбек ҳам мустақил Ўзбекистонимиз учун жонини фидо қиладиган фарзандингиз бўлсин деб доим ният қиламан. Унинг орзулари беқиёс. «Аяжон, мен армияга бораман, чегарачи бўламан. Худо хоҳласа Президентимизни, юртимизни қўриқлайман», — дейди, фахр билан. Менинг ўғлим Сизга ўхшаган чин инсон, мард ўғлон бўлишини Оллоҳдан сўрайман.*

*Онам бизга «Болаларим, ҳозирги қийинчилик ўтиб кетади. Мамлакатимиз ҳам гўё янги бир оила. Ёш, янги оила аввал девор кўтаради, уй солади, сўнгра эса дарвоза қуради, деганларидек, ҳаммаси бирин-кетин бино бўлаверади. Биз аёллар ёшимиз шунчага чиқиб, оналарни бунчалик бошига кўтарган, аёлларни шунчалик иззат қилган раҳбарни кўрмаганмиз», дея доимо насиҳат қиладилар.*

*Онажонимнинг дуолари ҳамиша «Юртбошимиз омон бўлсин, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!» — дея бошланади.*

*Муҳтарам Ислом Каримов!*
*Сизга онам ва ўғлим номидан мактуб ёздим.*
*Сизни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин!*

**Мавлуда АБДУЛЛАЕВА,**
**Пахтаобод шаҳри.**

## КЕНГАШ МАЖЛИСИ

**Вазирлар Маҳкамасида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг мажлиси бўлди.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур кенгаш раиси Ў.Султонов бошқарди.

Мажлисда кенгашнинг ўтган йилги иш якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, шунингдек, Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ва Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлисда кенгаш томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1999 йилда текширишлар сони аввалгига нисбатан 27 фоизга қисқарганлиги қайд этилди. Уларнинг тўртдан уч қисми комплекс текширишлар доирасида ўтказилган. Кенгаш рухсатисиз ўтказилган режадан ташқари текширишларнинг ўтган йилга нисбатан 10 марта камайганлиги назорат органларининг ҳукумат қарорларини бажаришдаги масъулияти ошганлигини кўрсатади.

Айни пайтда назорат мақсадида ўтказиладиган турли текширишлар сони секин камаймоқда. 30 мингга яқин шундай текширишлар тегишли рухсатсиз амалга оширилган. Бундай тартиббузарликларнинг аксарияти ёнғиндан сақлаш ва санитария органлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йили Республика кенгаши ва тегишли назорат органлари томонидан текширишларни тартибга солишга доир қонун талабларини бузганлиги учун 65 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 120 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланган. Назорат органларининг уч нафар ходими эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Мажлисда турли текшириш органларининг корхоналар фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйиш борасидаги ишларни кучайтириш, бундай ҳолларни қонунни қўпол равишда бузиш деб баҳолаш, хўжалик субъектлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш фактларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш лозимлиги қайд этилди.

Кенгаш мажлисида текширишлар сонини кескин қисқартириш, текширишларни тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси мониторинги бўйича идоравий ички гуруҳларини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш жадвалини эълон қилиш, ўтказилган аттестациялар натижалари бўйича текширишларда иштирок этувчи мансабдор шахслар сонини қисқартириш кўзда тутилган тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шунингдек, мажлисда кенгашнинг Қашқадарё вилоятидаги ҳудудий комиссияси фаолияти ва "Ишонч телефони" хизмати иш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев иштирок этди.

**(ЎзА)**

**Жиззахда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар ҳокимлари, жамоа, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

## ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов тадбирни очар экан, мазкур очиқ ва ошкора мулоқот чоғида 2000 йилда иқтисодиётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, қишлоқда ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бу ишга тўғаноқ бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш юзасидан фикр-мулоҳаза юритишни таклиф этди. Суҳбат ростдан ҳам очиқ-ошкора, баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Республика вазирлик ва идораларининг раҳбарлари кўтарилган барча саволларга жавоб қайтарди. Талай муаммолар шу жойнинг ўзида ҳал этилди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ташаббуси билан «Ижтимоий ҳаёт, тараққиёт ва қонун» мавзусида баҳс-мунораза бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис қўмиталарининг раислари, партиялар фракцияларининг вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидан вакиллар иштирок этишди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аҳолининг ижтимоий манфаатларини муҳофаза этишнинг мазмун ва моҳият жиҳатдан мукаммал тизими вужудга келди. Жумладан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, етим-есирлар, ногиронлар ва шу каби ёрдамга муҳтож аҳоли қатламининг ижтимоий манфаатларини муҳофаза этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу масалаларга оид қатор дастурларнинг қабул қилиниши, ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилинаётгани, пенсия таъминотининг тобора яхшиланиб бориши, турли хил меҳр-мурувват, саховат тадбирлари ўтказилаётгани диққатга сазовордир.

Айниқса, Соғлом авлод йилида бу тоифадаги аҳоли манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиб, оилада маънавий ва соғлом комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига янада катта аҳамият берилди.

Баҳс-мунозара иштирокчилари юқорида қайд этилган йўналишдаги масалаларни алоҳида қизиқиш билан муҳокама қилдилар. «Ватан тараққиёти» партияси фракцияси раҳбари Ахтам Турсунов, «Миллий тикланиш» партияси фракцияси раҳбари Иброҳим Ғофуров, «Фидокорлар» партияси фракцияси вакили Аҳмад Аъзам, меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Акбаров ва бошқалар мавжуд муаммоларни ўртага ташлашди, уларнинг ечими учун турли хил янги фикрлар, таклифлар киритишди. Баҳс-мунозарани олиб борган қўмита раиси Ойниса Мусурмонова иштирокчилар билдирган таклиф ва мулоҳазалар Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси томонидан яратиладиган янги қонунлар лойиҳасини тайёрлашда эътиборга олинишини таъкидлади.

**Асқар ШОКИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида ташқи ишлар вазири А. Комиловнинг Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги чегарани делимитация ва демаркация қилиш масалаларига бағишланган республика ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари ўз нутқини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасидаги вазият билан боғлиқ масалаларни, хусусан, чегарани делимитация қилиш бўйича бошланган музокаралардан дастак сифатида фойдаланилаётгани, «чегара баҳслари» деб номланаётган мавзуларга алоҳида урғу бериб, сунъий бўрттириб кўрсатиш ҳолларини баён этиш билан бошлади.

Шу муносабат билан А. Комилов Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ҳеч қачон ҳудудий баҳслар бўлмаганлигини таъкидлади ва уларнинг келажакда ҳам содир бўлмаслигига умид билдирди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида чегарани делимитация, сўнгра демаркация қилинадиган жараённи жадаллаштириш, шунингдек, икки давлат ўртасида чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида гап бормоқда.

Иккала томонлар яқинда Тошкентда бўлиб ўтган делимитация бўйича музокараларнинг биринчи босқичи давомида давлат чегараларини расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари юзасидан ҳамжиҳатликка эришишди.

Ташқи ишлар вазирининг айтишича, мазкур масалалар бўйича музокаралар ва маслаҳатлашувлар бундан буён ҳам умумий қабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ олиб борилади.

Матбуот анжуманида мамлакатимизнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги абадий дўстлик тўғрисидаги мавжуд битимга амал қилиши таъкидланди.

Айни пайтда Марказий Осиёнинг барча республикалари ўртасида турли экстремистик гуруҳлар ва марказлар томонидан чегараларнинг рамзийлигидан наркотик моддалар, қурол-яроғ транзити учун фойдаланишлари ва бошқа жиноий ишларини амалга оширишларининг олдини олиш бўйича биргаликдаги ишларни мувофиқлаштириш юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда.

Матбуот анжумани давомида Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон билан кўзланаётган «Фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисида»ги битимни имзолаш бўйича музокаралар юзасидан тушунтириш берилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов иштирок этди.

Анжуманда ташқи ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик кенгаши котиби журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

**«Жаҳон» АА.**

«Халқ сўзи» сўровномаси

## МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

**Март ойининг илк кунларида мухбиримиз ҳамюртларимизга қуйидаги савол билан мурожаат қилди:**
***«2000 йилнинг дастлабки икки ойи, сизнингча, қайси жиҳатлари билан ёдингизда қолди?»***

**Абдубанно ХОЛМОНОВ, «Уйчинома» туман газетаси муҳаррири:**

— Президентимизнинг йил якунларига бағишланган маърузалари кучли таассурот қолдирди. Юртбошимиз мамлакатдаги жамики раҳбарларга нима ҳақда ўйлаш, қандай таҳлил қилиш, қандай ишлаш бўйича чинакам намуна бўлдилар. Маърузада қўйилган вазифаларни кўнгилдагидек бажарсак, Ўзбекистонимиз янада илгари кетишига шубҳа йўқ.

**Абдуқаҳҳор ТОШМУҲАМЕДОВ, «Чилангар-тижорат» фирмаси раҳбари:**

— 2000 йилни ёзишга қўлимиз ўрганди. Тўрт йилда бир келадиган 29 февexpress февралвани фақат савоб ишларга бағишладим. Кеч бўлганда руҳим енгиллашди. Демак, савоб ҳақида фақат бир кун эмас, ҳамиша ўйлаш керак, деган хулосага бордим. Худо хоҳласа, бу йил тадбиркорлар йили бўлади.

**Озод ХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Кардиология илмий-тадқиқот институти профессори:**

— Икки ой эмас, бутун йилимизга «Соғлом авлод» номи берилган. 25 феврал куни Президентимиз ўтказган йиғилишда соғлом авлод тақдири, менимча, бир йил учун эмас, балки миллатимиз келажаги учун тарихий бўлиб қолади.

**Эргаш МИРЗАЕВ, Олий Мажлис депутати:**

— Мен учун янги парламент ишида илк бор иштирок этиш ҳаётимда катта ҳодиса бўлди. Аслида йилнинг икки ойи мобайнида энг муҳим воқеа Президент сайлови деб ҳисоблайман.

**Дилрабо РАЖАБОВА, уй бекаси:**

— Мен учун алоҳида эсда қоладиган воқеа олдинда деб ўйлайман. Турмуш ўртоғим балиқ йилида туғилган. Наврўздан кейин балиқ йили бошланади. Орзуимиз — балиқ йилида фарзанд кўриш. Унинг соғ ва дуркун ўсишига астойдил ишонаман.

